

# Ақийда дарслари (183-дарс). Набий алайҳиссаломнинг мўъжизалари

**АҚИЙДА**  
**183-ДАРС**

ШАЙХ МУҲАММАД СОДИҚ МУҲАММАД ЮСУФ РОҲИМАҲУЛЛОҲНИНГ  
«АҚОИД ИЛМИ ВА УНГА БОҒЛИҚ МАСАЛАЛАР» ВА «СУННИЙ АҚИДАЛАР»  
КИТОБЛАРИ АСОСИДА БЕРИБ БОРИЛАДИ.  
МАВЗУЛАРНИНГ ТЎЛИҚ МАТНИ БИЛАН ТАНИШИШ УЧУН  
КИТОБНИНГ ЎЗИГА МУРОЖААТ ЭТИШ ТАВСИЯ ЭТИЛАДИ.



19:49 / 31.05.2022 3128

نَاكَفَ لِحَنِّ مَرَعُوذِجَ لَعِ افُوقِ سَمِ دِجِ سَمَلِ نَاكَ : لاقُ هُنَّ عُلُجِ لِي ضَرَرِ رِبِ اجِ نَعِ  
عُنُصِ اَمَلَفِ ، اَهُن مَرَعُوذِجَ لِي لِمُوقِي بَطِخِ اِذِ مِلِسُو هِي لَعِ لِي لِي صِي بِي نَلِ  
يَبْنِ لِي اجِ يَتَحِ ، رَا شِعْ لِي تَوَصَّكَ اَتَوْصَّ عِجْ لِي لِي لِي اَن عَمَسَفِ ، هِي لَعِ نَاكَ وُرَبْنِ مَلِ  
نَاكَ اَمَلَفِ : هِي اَوْرِي فَو . تَن كَسَفِ اَهِي لَعِ هَدِي عَضَوَفِ مِلِسُو هِي لَعِ لِي لِي صِي  
يِرَاخُ بَلِ اَوْرِي بِي صِلِ لِي اِي صُة لِحْنِ لِي لِي تَحِ اَصَفِ ، رِبْنِ مَلِ لِي لِي اَعْفُ رُو عُمُجِ لِي مَوِي  
يِلِصِي بِنِ لِي لِي زَنَفِ ، هِي قَانِ لِي لِي نِي نَحِ عِجْ لِي لِي نَحِ فِ : طَفَلِ بِي ذِمْرَتِ لِي اَوِي اَسْنِ لِي اَوِ  
نَكَسَفِ هَسَمَفِ مِلِسُو هِي لَعِ لِي لِي

Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Масжиднинг шифти хурмо ғўлалари устига ёпилган эди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ўша ғўлалардан бирида туриб хутба қилар эдилар. Ул зотга минбар қилиб берилганда ва у зот унинг устига чиққанларида, ҳалиги ғўланинг ҳомиласига ўн ой тўлган туянинг овозига ўхшаш овозини эшитдик. Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам келиб, унинг устига қўлларини қўйган эдилар, у жим бўлди.

Бошқа бир ривоятда:

«Жума куни бўлганда ва у зот минбарга кўтарилганларида, хурмо (ғўласи) чақалоқ йиғлагандек овоз чиқарди», дейилган.

Бухорий, Насайи ва Термизий ривоят қилишган. Термизийнинг лафзида:

«Бас, хурмо ғўласи урғочи туя зорлангандек зорланди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам тушиб, уни ушлаган эдилар, сокин бўлди», дейилган.

مَلَسُو هَيْلَعِ هَلَلِ يَلِصِ هَلَلِ لُؤْسَرَعَمَ اَنْرَسَ : لَاقُ هُنَّ عُهُلَلِ يَضْرَبُ رِبَاجَ نَعِ  
يَضْرُقِي مَلَسُو هَيْلَعِ هَلَلِ يَلِصِ هَلَلِ لُؤْسَرَبَهَدَفَ ، حَيْفَا اَيِّدَاو اَنْلَزَنَ يَّتَحِ  
مَلَسُو هَيْلَعِ هَلَلِ يَلِصِ هَلَلِ لُؤْسَرَرَطْنَفَ ، اَمَّ نَمْرَةَ وَاِدَابُ هُتَّعَبَّتْ اَفَ ، هُتَّجَّاحِ  
هَلَلِ لُؤْسَرَقَلَطْنَفَ ، يَدَاوُلِ اِطَّاشَبِ اَنْتَ حَشَّ اِذِ اَفَ ، هُوبُ رُتَّسَيَّ اَيِّشَرَ يَمَلَفَ  
يَدَاقُنَا» : لَاقُفَ اَهْنَ اَصْعُ اَنْ مِّنْ نُّصُغَبِ دَحَّ اَفَ اَمَّ هَا دَحَّ اِ يَلِ مَلَسُو هَيْلَعِ هَلَلِ يَلِصِ  
يَتَا يَّتَحِ ، هَدَّ اَقُ عُنَا صُيَّ يَدَّلِ شُوشُ حَمَّ لِرِي غَبَلْ اَكَّ هَعَمَّ تَدَاقُنَا فَ . «هَلَلِ لُؤْسَرَبِ يَّتَحِ  
هَلَلِ لُؤْسَرَبِ يَّتَحِ عِي دَاقُنَا» : لَاقُفَ اَهْنَ اَصْعُ اَنْ مِّنْ نُّصُغَبِ دَحَّ اَفَ ، يَحُّ اَلَا اَلَا رَجَّ شَلَا  
لَاقُفَ ، اَمَّ هَنْ يَبَّ مَّ اَلْ اَمَّ هَنْ يَبَّ اَمَّ مَفَّصَنْ مَلَّابِ نَا كَ اِذِ يَّتَحِ كَلَّ دَكَّ هَعَمَّ تَدَاقُنَا فَ  
سَّحُّيَّ نَا اَلَا عَمَّ رُضُّ حُ اُ تَجَّ رَحَّ فَ : رِبَاجَ لَاقُ ، اَتَمَّ اَلَّ اَفَ . «هَلَلِ لُؤْسَرَبِ يَّتَحِ اَمَّ يَّتَحِ اَلَا»  
تُسَلَّحَفَ ، دَّعَبَّ تَيَّ فَوَّ اُ دَعَّ تَبَّ يَّ فَ يَبُّ رُقُبِ مَلَسُو هَيْلَعِ هَلَلِ يَلِصِ هَلَلِ لُؤْسَرِ  
هَيْلَعِ هَلَلِ يَلِصِ هَلَلِ لُؤْسَرِ اَنْ اِذِ اَفَ هُتَّ فَلَ يَّ نَمَّ تَنَّا حَفَ ، يَسْفَنُ نُّ شَدَّ حُ اُ  
يَقَّاسَ يَلَّعَ اَمَّ هَنْ مَّرَّ دَحَّ اَوْ لُ كُ تَمَّ اَقُفَ ، اَتَقَرَّتْ اَفَ دَقَّ اَنْتَ رَجَّ شَلَا اِذِ اَوْ ، اَلْبَقُومُ مَلَسُو  
مُتَّ ، اَذَكَّ هَسَّ اَرْبَ لَاقُفَ هَفَّ قَوْ فَقَوْ مَلَسُو هَيْلَعِ هَلَلِ يَلِصِ هَلَلِ لُؤْسَرِ تَيَّ اَرْفَ  
لُؤْسَرِ اَيَّ مَعَنَّ : تَلُّقُ «؟ يَمَّا قَمَّ تَيَّ اَرْ لَهَ ، رِبَاجَ اَيَّ» : لَاقُ يَّتَحِ اِلَى تَهَنَّ اَمَّ لَفَ ، لَبَّ قَا  
مَلَسُو هَاوَرَّ هَلَلِ

Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан юриб бориб, кенг водийга тушдик. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қазои ҳожат учун кетдилар. Мен ортларидан бир идишда сув олиб бордим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам назар солиб, ўзларига тўсиқ бўладиган нарса кўрмадилар. Водийнинг четида икки дарахт кўриниб қолди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларнинг бири томон юриб қолдилар. Унинг шохларидан бирини тутиб туриб: «Аллоҳнинг изни ила менга эргаш», дедилар. Бас, у ул зотга худди бурнидан ҳалқа ўтказилган туя ўз етакчисига эргашганига ўхшаб эргашиб кетди. Ул зот бошқа дарахтнинг олдига келиб, унинг шохларидан бирини тутиб туриб: «Аллоҳнинг изни ила менга эргаш», дедилар. Бас, у ҳам ул зотга эргашди. Икковларининг ўртасига етганда, икковларини улаб туриб: «Иккинги Аллоҳнинг изни ила мени тўсингиз», дедилар. Улар бир-бирларига киришдилар. Жобир айтадики:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам менинг яқиндалигимни сезиб, узоқлашмасинлар деб, тезлаб у ердан узоқлашдим. Ўтириб, ўзимга ўзим гапириб туриб, бир оз вақтни ўтказибман. Қарасам, Расулуллоҳ соллаллоҳу

алайҳи васаллам мен томон келмоқдалар. Икки дарахт эса ажраб, ҳар бири ўз ўрнига ўрнашибди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бошларини қимирлатиб, бундай-бундай, деганларини кўрдим. Сўнгра юриб, олдимга келдилар ва:

«Эй Жобир, мақомимни кўрдингми?» дедилар.

«Ҳа», дедим мен».

*Муслим ривоят қилган.*

**«Сунний ақийдалар» китоби асосида тайёрланди**